

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

145 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида-
ги Юристлар малакасини ошириш маркази тузилма-
сини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар ма-
лакасини ошириш маркази тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фао-
ляти самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор**
қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар ма-
лакасини ошириш марказининг янги тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлан-
син.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига, зарурият бўлганда, Марказ-
нинг тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доира-
сида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ой муддатда Ўзбекис-
тон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш
марказининг янги уставини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун кирит-
син.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
қошида Юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида»
1997 йил 21 июлдаги 364-сон қарорига 1-илова ўз кучини йўқотган деб
ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

13 (513)-сон

— 23 —

145-модда

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Н.Т. Йўлдошев зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 28 март,
87-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 28 мартдаги 87-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
Юристар малакасини ошириш марказининг
ТУЗИЛМАСИ**



Жами: 45 ходим.

Изоҳ: техник ва ёрдам кўрсатувчи ходимлар норматив ҳужжатларга асосан белгиланади.